



ИШОНЧ

4

1992
йил
27 январь
(43)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хафталик газетаси



Тошкент вилоятининг Оҳангарон районидаги ун маҳсулотлари комбинати 2-тегирмон цехи бир кечакундуда 200 тонна ун шилаб чиқармоқда.

Суратда: Смена мастери Авазхон Қосимов (чапда)

билин технолог Зоиржон Зоитов ун сифатини кўздан кечиришишади.

Сураткаш Н. МУҲАММАДЖОНОВ

Хабарлар мағзи



● Б. АЛЛАМУРОДОВ раисигида ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси йиғилишида касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий бошкарув органлари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармалари билан биргаликда ёлғиз ва кам таъминланган пенсионерлар, ногиронлар учун арzon нархларда ёки бепул иссик овқат ташкил этиш ўйлари маслаҳатлашиб олинди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги кўшма баёнот имзоланди.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти И. А. Карапов оммавий ахборот воситалярининг вакиллари билан учрашиди.

● ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Халқ демократик партияси, Республика ёшлар Иттифоки ва Мехнат вазирлиги томонидан студент ёшларга социал ёрдам кўрсатиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма ўз муасислари куч-ғайратларини ва маблағларини бирлаштириш йўли билан бозор муносабатлари шароитида студентлар тадбиркорлик ташаббусини амалга ошириш хамда уларни социал жиҳатдан ҳимоялаш механизмини яратишидир.



● МИНСК автомобиль заводида чиқаётган ёғоч ташнидиган «МАЗ»нинг нархи эндиликда 260 минг 470 сўм туради. Хорижда шилаб чиқарилган «МАЗ»нинг нархи — 1 миллион 772 минг сўмдир.

● ТОЖИКИСТОН коммунистик партиясининг XXII курултойи бу номин саклаб колишига ва ўз дастури ва Низомида Тожикистон коммунистлар партияси Марке Энгельс — Лениннинг инклибий таълимотига, социалистик гояларга содиклигини тасдиклиди.



● ФУТБОЛ бўйича 1992 йилда ўтадиган Оврупо биринчилигига Мустақил Давлатлар Хамдустлиги терма жамоаси Голландия, Германия, ва Шотландия командалари билан баҳслашади.

ЖОН АЗИЗ

Юз сатр дил сўзи

Йўлда танишимни учратиб, ҳайратда қолдим. Унинг рангги синиқкан, кўзлари киртайдиган, оғиз очиб сўзлагудек ҳоли ўйқ эди. Соглигингиз яхшими, ўртоқжон, деб сўрасам, Польшага бориб келганини айтди. Билмадим, бу

унинг учинчи ё тўртингич марта қатнаши эди Польшага. Бу ердан оғир юқ билан ўйла чиқиб, бу юқни асрар-авайлаб, манзилга етказиш ташвиши, у ерда эса бу юқни қимматроқ пуллаш ташвиши ва ниҳоят ноёб қийим-кечаклар харид қилиш ва эсон-омон орқага қайтиши ташвиши...

Иўл азоби — гўр азоби, дейдилар. Танишимнинг эгни эса-анчагина юпун, аҳволи эгнидан-да юпун. Биламан, у болам-чақам деб, тўйларда ноёб саруполар қилиш орвусиди бу азобларга чидашти. Унинг бундай фидойлисига доҳо ҳавасим келади. Лекин барийр унга ачинаман. Иўл босиб, Польшага бориб, бозордан бўйлак гўзалликни томоша қилолмаганига дам олиб, қўнгли яйраб сайд этолмаганига ва аксинча ҳар гаё толиқиб-эзилиб қайтишига ачинаман.


Хозирги танқисчилек ва қимматчилик вақтида тикилинч нафбатларда уззү-кун тентираб юрган аёлларни кўрсан уларнинг ҳолати юрагимга отгир солади. Кўринсан-ки бўломга ўзини уриб, минг-мине сўмларга харид қилиб, ўша аввалдидек юнгирма-уттиз сидрадан саруно қилиш, ўша аввалдидек ўзини кўрсатиб тўйлар тутказиш, меҳбердан чиқиш одатларимизни тарқ этгимиз келмай ўзимизни қийнапмиз. Утга-чўқка ураятмиз. Ўзимизни қизлару келниларни меҳберда қийнишга ўргата олмаятмиз. Доҳо шундай бўлганини, баъзи аёллар фарзандлари учун берилган нафақа-ю товои пулларини ҳам, ўзларининг маошларини

ни ҳам-ҳаммасини йигиб-териб қимматбаҳо қийим-кечакларга, сеп йигишига сарфлайдилар. Бола-чақанинг имкон қадар яхши еб-ичши ва ўзларининг саломатликларини сақлаб қолишдек энг муҳим вазифа иккинчи, хатто учичи даражали шига айланаб қолаётти.

Соглиқ — туман бойлик, дейдилар. Ҳозирги иқтисадий қийинчилек довонидан биринчи нафбатда сору саломатлигимизни — туман бойлигимизни эсон-омон олиб ўта олсан, марра бизники. Фарзандларимиз — эртанги кунимиз ворисларининг имзи бакувват, кучли, соглом бўйлиб улгайшилари бизнинг буғунги ҳимматимизга боғлиқ. Сўнгги пушаймон-ўзингга душман, деганларидек қимматбаҳо қийим-кечаклар ҳам, дид билан тикитирилган шоий либослар ҳам соглом, бақувват, баркамол юнгит-қизларга ярашиди.

Яхшида бир қадрдонимни ёши мендан каттароқ бўлгани учун янеи ўйл билан табрикалани бордим. Афсуски, бир ярим соат давомидаги сухбатимиз фақат нарх-навою ўғилқизи, неваралари, ўзига тижорат дўконидан нималар харид қилгани ҳақида кечди, Қанча уршиниб, гапни қизиқроқ воқеалареда бурмоқчи бўламан, барийр у бир пластинкани айлантираверди. Қадрдомим авваллари бундай эмасди. Менинг иккаки дунёларим, адабиёт ва санъатдаги, ёзувчилар, муҳбаблар ҳаётидаги янгиликлар уни қизиқтиради. Энди эса.. Балким, унинг ҳаммамизнинг бундай холатеа тушишимиизга давр, шароит айбдордир. Лекин барийр инсон ўзини, ўзлигини унгутласлиги, меҳр оқибатни, қадр-қимматни буюм, малу дунё соясида ўйқ қилиб юбормаслиги керак.

Яхши кунларга, аввалендек, мўл-қўйчилек, арzonчилик замонига қўзимизни тўқ тутган ҳолда ўзаро аҳиллик, иноклик билан етиб бориш насиб этсин.



Тошкентда 16 январь пайшанба куни кечқурун рўй берган нохуш воқеа мустақил давлатимизнинг нуфузига дод бўлиб тушди.

Бу оммавий тартибсизлик фожиа билан тугаганинг асосий сабаби жойларда нарх-навони эркинлаштириш шароитида талабаларнинг ижтимоий ҳимоя қилишга доир кўрилган тадбирлар ҳақида ўз вақтида тушунтирилмаган-

лиги бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раҳбарияти бу масалани чуқур ўрганиб чиқини, айборларни аниқлаш ва шу борада пайдо бўлган мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича республика комиссиясини тузди ва Олий Кенгаши Раёсати ҳалққа Мурожаатнома қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг ҳалққа МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

Тошкент шаҳрининг Талабалар шаҳарчасида шу йил 16 январда бўлган воқеалар жумхуриятимизнинг барча соғдил кишилари қалбини ларзага солди. Деярли барча ижтимоий табақалар вакилларининг Республика Президентига, Олий Кенгашига ва хукуматига кўпдан-кўп мурожаатлари ана шундан далолат бериб турибди.

Ўзбу мосала юзасидан тузилган жумхурият комиссияси иш бошлади. Унинг хулоса ва таклифлари ахолига хабар қилинади.

Бугун эса Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Тошкент шаҳридаги Талабалар шаҳарчасида ташкил этилган оммавий тартибсизликлар муносабати билан меҳнаткашларга, ўқувчи ёшларга, жумхуриятининг барча аҳолисига қўйидаги баёнот билан Мурожаат қилишини зарур деб ҳисоблайди.

Жумхуриятда яшаётган ҳар бир киши шуни

билиши керакки, Ўзбекистоннинг давлат мусатициллигини ўнлаб давлатлар тан олган, уларнинг кўпчилиги билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида келишиб олинган, Ўзбекистон Республикасини БМТ аъзолигига қабул қилиш масаласи кўриб чиқилаётган бир пайтда ўзларини Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобловчи баъзи кимсалар ўз жумхуриятларини жаҳон жамоатчилиги олдида обрўзизлантиришига, мусатицил давлатимизни қарор топтириш йўлидаги ижобий ишларни барбод қилишга интилишмоқда.

Улар айрим вазирликлар, идоралар, банк муассасалари, олий ўқув юртлари раҳбарларининг масъулиятизлиги оқибатида стипендиялар ва купонлар ўз вақтида берилмаганлигидан, ион кечикиб келтирилганлигидан ва шунга ўхшаш бошқа сабаблардан фойдаланиб, талабаларнинг бир қисмини гайри қонуний хаттиҳаракатларга жалб этишга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳаракатлар оммавий тартибсизликларга айланаб кетди, ур-йикитлар бўлди, талабаларнинг ўзларига хизмат қилиб турган объектлар ёқиб юборилди.

Афсуски, бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида жумхурият раҳбарлари эркин нарх-навонларни жорий этиши ва ахолини ижтимоий ҳимоялш юзасидан кўраётган чора-тадбирлардан талабалар етарли даражада хабардор килинмаган. Ана шу ҳол иғвогарларнинг эҳтиюзларни жунбушга келтиришига, ёлғон-яшиқ йўллар билан ёшларни қўзгатишга, тўқнашувлар келтириб чиқаришига, шундан сўнг иқтисодий ва ижтимоий масалаларни бир чеккага йигишириб қўйиб, нуқул сиёсий талабларни илгари суришларига имкон берди.

Шу муносабат билан ҳар бир киши вижданни олдида мана шу саволларга жавоб берсин.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказишга қаратилган тадбирлар мажмумини амалга

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

НАРХЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий иқтисодий аҳолини барқарорлаштириш ва бозор муносабатларини шакллантириш учун шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласи:

1. 1992 йил 16 январдан ишлаб чиқариш-техникини мақсадларидаги маҳсулотларга, ҳалқ истеъмоли товарларига, ишлар ва хизматларга талаб ва тақлиф остида шаклланадиган шартномавий эркин нархлар ва тарифларга асосан ўтиш амалга оширилсин.

2. Аҳолининг, энг аввало ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ аҳоли табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олиб, 1—3 иловаларга мувофиқ озиқ-овқат ва саноат болалар товарларининг чегараланган доирасига чекланган нархлар миқдорлари, шунингдек аҳолига кўрсатиладиган хизматларга тарифларнинг чекланган миқдорлари белгилансин.

3. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиширишни кўпайтириши рағбатлантириш ва энг муҳим озиқ-овқат товарларининг белгиланадиган чекланган чакана нархлари билан боғлиқликни таъминлаш мақсадида дон, гуруч, чорва моллари, парранда, сут ва тухум учун 4-иловага мувофиқ бошқариладиган харид нархларининг чегараси белгилансин. Бунда ҳўжаликларга белгиланадиган топширидаги маҳсулот 15 фоизининг ва топширидан

ошиқча барча маҳсулотнинг нархи ишлаб чиқарувчilar томонидан белгиланади яъни кўрсатилган маҳсулот ҳажмлари эркин нархларда сотилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Савдо вазирлиги, Моддий-техника таъминоти давлат кооператив қўмитаси, давлат ташкил савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитаси ва Ўзбекбирлашувга маҳаллий Кенгашлар ижрою қўмиталари билан биргаликда республика ташқарисидан олиб келинадиган товарларнинг шартномавий нархлари ҳамда озиқ-овқат ва ашёвий товарларнинг чекланган чакана нархлари ўртасидаги тағовутни 1,2-иловаларга мувофиқ кўриб чиқиш ва белгиланган тартибида ҳал қилиш топширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ўн кун муддат ичидага давлат нархлар қўмитаси билан биргаликда умумий овқатланиш корхоналари учун устамида нархларнинг чекланган даражаларини ишлаб чиқсинлар, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси эса уларни тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитасига нархларни таҳлил қилинадиган тадбирларни таъминлаштиришни давлат таъминонинг, давлат таъмино-

лиш асосида ўзининг якка-ҳукмронлик ҳолатидан фойдаланувчи ва нархларни асосланмаган ҳолда оширишга йўл қўювчи корхоналарни шартномавий эркин нархлар ва тарифларни қўллаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳамда уларнинг маҳсулотларига нархларнинг чекланган дараҷаларини жорий этишга руҳсат берилсин.

7. Концернларга, бирлашмаларга, корхоналар ва хўжаликларга Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудида зарурият бўлганда ўз маблаглари ҳисобидан, энг аввали ўз ҳодимлари ва хизматчилири учун қўйидагича компенсация ажратиш ҳисобига нархларнинг чекланган дараҷаларини камайтириш имкониятларини қидириб топиш тавсия қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 10 кун муддат ичидага мактаб ошхоналари ва буфетларида овқатланиш қўймати қўшимча харажатларининг бир қисмини коплаш тартибини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси топширилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 15 фоизини тузилган шартномалар бўйича валютага сотишга руҳсат берилсин.

10. Калиш ишлаб чиқариши

тида бўлмаган ўрта маҳсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг овқатланиш қўйматини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 4 апрелдаги 87-сон қарорида кўзда тутилган компенсация миқдори 2 баравар оширилсин.

11. Концернлар, корхоналар ва ташкилотлар мулкчилик шаклидан қатъи назар ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ва истеъмол товарларининг қолдиқларини қайта баҳоласинлар ошириб, баҳоланган сумма миқдорининг 50 фоизи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун республика бюджетига ва 50 фоизи ўзининг оборот маблағларини тўлдиришига тутказилсин.

12. Калиш ишлаб чиқариши муддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекрезинотехника» бирлашмасига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 15 фоизини тузилган шартномалар бўйича валютага сотишга руҳсат берилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси ўн кун муддат ичидага ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотга, ҳалқ истеъмоли товарлари ва хизматларга шартномавий эркин нархларни қўллаш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низом ишлаб чиқсан.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат нархлар қўмитаси, давлат солиқ хизмати, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ҳалқ истеъмоли товарлари, ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлар ва хизматлар учун нарх интизомига риоя қилиш устидан назоратни кўчайтирсинлар.

15. Мазкур қарорнинг баҳрилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари—комплемексларнинг раҳбарларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. ЖУРАБЕКОВ
Иловалар З на 4-бетларда зълон қилинмоқда
(Ред.—Аҳолига енгиллик тудғидланган қарорларни 4-бетда чоп этилдамиз).

(Давоми Боши 3-бетда)

**ҲАМДҮСТЛИКНИНГ АЙРИМ ДАВЛАТЛАРИДА АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ЧАКАНА НАРХЛАРИ**

| Номи | Ўлчов бир- лиги | Ўзбекис- тон ўрта ҳисобда | Россия | Қозогистон | Қирғизистон | Тожикистон | Туркманистонда | ўрта ҳисобда |
|--|-----------------------------|---------------------------------|--|---------------|-------------------|--|--|-----------------|
| Қолипда пиширилган нон- ўрта ҳисобда | сўм кг | 1,20 2,90 | Олий нави-эркин, 1— 11 навлари — 1,35— 8,40—9,00 | 1,80—2,80 | 3,30—4,10 4,50 | 1,60—2,90 о. н — эркин, 1—11 н — 2,50—2,80 | 1,50 о. н — эркин 1 н — 2,00 | |
| Ун | — | 1,80 | эркин | 2,50 | эркин | эркин | эркин | эркин |
| Макаронлар | — | 3,00 | эркин | эркин | эркин | эркин | эркин | 6,00 |
| Гуруч | — | 5,00 | эркин | эркин | эркин | 8,40—10,20 | эркин | 5,60 |
| Ўсимлик мойи | — | 5,00 | 8,40—9,00 | 8,40 | эркин | эркин | эркин | 30,00 |
| Чой | — | 30,00 | эркин | эркин | 7,70 | 7,00 | эркин | 8,80 |
| Қанд-шакар | — | 8,00 | 7,70 | 7,70 | эркин | эркин | эркин | эркин |
| Тухум | сўм/ўнтаси | 5,00 | эркин | эркин | эркин | мол гўшти — 50,00 Қўй гўшти — 42,00 | мол гўшти — 50,00 Қўй гўшти — 42,00 | 30,00 |
| Гўшт (1 категорияси) | сўм/кг | 30,00 | эркин | эркин | эркин | Чўчка гўшти — 34,00 от гўшти, парранда гўшти — эркин | Чўчка гўшти — 34,00 от гўшти, парранда гўшти — эркин | 8,80 |
| Сут қаймоги олинмаган «Русская» арағи | сўм/литр сўм/шиша- си | 1,50 35,00 | 1,50 40,00 | 1,50 41,00 | 2,40 60,00 | 1,50 40,00 | 1,50 42,00 | 1,50 |

**Ўзбекистон ССР Президенти
ҳузуридаги Вазирлар
Маҳкамасининг қарори**

**КЕЛИН-КУЁВЛАРГА МЕБЕЛЬ, ГИЛАМ ВА ГИЛАМ
ПОЁНДОЗЛАРНИ СОТИШНИНГ ИМТИЁЗЛИ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА**

Республика ахолисининг миллий ҳусусиятлари ва анъ-аналари муносабати билан келин ва куёвларни чакана нархлар кескин ошган шароитда ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сонли қарори 4-бандининг биринчи абзаци қисман ўзгартирилиб, 1991 йил 3 апрелдан бошлаб биринчи марта никоҳдан ўтаётган келин ва куёвларга битта

гилам ёки гилам поёндоз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган битта мебель йиғмаси ёки мамлакатимизда ишлаб чиқарилган йиғмага ва гарнитурга кирмайдиган бошқа мебель буюмларни шартнома (эркин) нархларнинг, бошқариладиган ёки белгилаб қўйилган нархларнинг 75 фоизини, лекин ҳар оиласа кўпли билан 1500 сўм чегириб сотиш жорий этилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ**

**Ўзбекистон ССР Президенти
ҳузуридаги Вазирлар
Маҳкамасининг
қарори**

**АЙРИМ ХАЛҚ ИСТЕМОЛИ ТОВАРЛАРИНИНГ
ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ПАСАЙТИРИШ ҲАҚИДА**

Чакана нархлар ислоҳоти натижасида ахолининг айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, жум-

хуриятнинг демографик ҳусусиятларини ва ахоли даромадлари даражасининг пастлигини ҳисобга олиб,

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ҳақида» 1991 йил 29 марта 74-сон қарорига қисман ўзгариш киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. 1991 йил 1 майдан эътиборан қўйидаги товарларнинг чакана нархлари пасайтирилсин:

мактаб формаси ва фартуклар нархи ўртача 50 фоизга;

болалар пойабзали нархи ўртача 30 фоизга;

ахолига норматив бўйича сотиладиган хонатласнинг имтиёзли белгиланган нархлари 50 фоизга пасайтирилсин ва 1 погон метрнинг нархи 22 сўм миқдорида белгилансин.

2. ЎзССЖ Иктиносидёт қў-

**Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги
Вазирлар Маҳкамасининг қарори
Аҳолига имтиёзли нархларда
хонатлас сотиш нормаси ва тартиби
тўғрисида**

Вазирлар маҳкамаси қарор қиласди:

1. Миллий ҳусусиятлар ва анъаналарга асосланиб, шунингдек «Хонатлас» газлама-

митаси, ЎзССЖ Савдо вазирлиги, ЎзССЖ Енгил саноат вазирлиги, ЎзССЖ Маҳаллий саноат вазирлиги, Ўзбекбирлашув юқорида кўрсатилган товарларни ахолига сотиш нормаси ва тартиби ҳақида бир ҳафта муддат ичидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

3. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси мазкур қарорнинг 1-пунктида кўрсатилган товарларни сотиш устидан назорат ўрнатсинлар.

4. ЎзССЖ Молия вазирлиги кўрсатилган товарлар нархларидаги тафовутни савдо ташкилотларига тўласин.

**Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

**ЭРКИН НАРХЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЛАБАЛАР, ЎҚУВЧИ ЕШЛАР,
ЎЗГАЛАРНИНГ ҚАРАМОҒИГА МУҲТОЖ БЎЛГАН ЕЛҒИЗ ПЕНСИОНЕРЛАР
ВА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ИМТИЁЗЛИ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИRLАР ҲАҚИДА**

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ва талabalар, ўқувчи ёшлар ҳамда меҳнаткашларнинг умумий овқатланишини тизимида нархларни барқарорлаштиришини таъминлаш мақсадида Вазирлар маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабати билан талabalар ва ўқувчи ёшлар учун имтиёзли умумий овқатланишини жорий этиш ҳақида» 1991 йил 4 апрелдаги 87-сон қарорига мувофиқ олий ўқув юртларининг кундузи ўқийдиган талabalari, ўрта маҳсус ўқув юртлари ва давлат таъминотида бўлмаган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг, шунингдек юқорида кўрсатилган ўқув юртларининг про-

фессор-ўқитувчилар таркиби ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг бир марталик овқатланиш қийматини қоплашга бериладиган компенсациялар миқдори 5 сўмгача кўпайтирилсин, барча талabalар ва ўқувчиларга, ўқитувчилар ва хизмат кўрсатиш ходимлари таркибига компенсациялар стипендия ва иш ҳақи билан бирга тўланиши белгилаб қўйилсин.


2. Умумтаълим мактаблари бошлангич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин ва бунда нонуштанинг қиймати бир ўқувчи ҳисобига бир кунда 40 тийиндан 1 сўм 60 тийингача яъни 4 баравар кўпайтирилсин.

3. Талabalар ҳамда мактаб ошхоналари ва буфетларида бир талаба ва ўқувчига

бериладиган тушки овқат қийматидан во-ситачи ҳамда тижорат дўконларида моллар сотишдан бериладиган ажратмалар маблаги ҳисобидан 50 фоиз миқдорида че-гиртма белгилансин.

4. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ҳалқ таълими вазирлиги, ўқув юртларида әга бўлган вазирликлар, идоралар ва корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, маҳаллий бошқарув органлари талabalар ва ўқувчи ёшларнинг умумий овқатланишини ташкил этиш, мактаб ва талabalар ошхоналари ҳамда буфетларида бепул нонушталар ва имтиёзли овқатланиш билан таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

[Давоми 5-бетда]



Саволларга соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Марказий Комитетининг йўриқчиси Т. П. Циглинцева жавоб беради.

Мен касалхонада 1,5 ставкада шифокор бўлиб ишлайман. Ўриндошлик бўйича бажарган ишимга илмий даражам учун ҳақ тўланадими ёки бу фақат асосий ишимга тўланадими?

A. Раҳимов.

Илмий даражаси бўлган ходимларга асосий иши бўйича ҳам, ўриндоплик иши бўйича ҳам ойлик маош амалда бажарилган иш ҳажмига қараб оширилади (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги принципларини татбиқ этиш тартиби тўгрисида йўриқнома, 14-бет, II-бўлим, 2.4-банд).

Мен ишлайдиган болалар санаторийсида иш ҳақи қандай белгиланаётганилиги текширилганида тарбиячиларга иш ҳақи нотўғри, яъни, амалда қанча иш бажарилгани ҳисобга олинмай тўланаётгани аниқланди. Мамурият бизнинг 2 йиллик иш ҳақимизни эмас, балки текшириш ўтказилган пайтдан бүёнгисини ҳайта ҳисоблаб чиқишга розилик берди. Шу тўгрими?

R. Абдуллаева.

Йўқ, нотўғри. Иш ҳақи нотўғри тўлашнинг аниқланганида соғлиқни сақлаш муассасасининг раҳбари хатони дарҳол тузатиши ва ходимларга иш ҳақи нотўғри тўлаб келинган бутун даврда вужудга келган тафовут тўлаши учун барча чораларни кўриши шарт (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги принципларини татбиқ этиш тартиби тўгрисида йўриқнома, 2-бет, 10-банд).

Мен дори тайёрловчи провизор бўлиб ишлайман. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими фахрий унвонига эгаман. Бу унвон учун ойлик маошимга қўшимча 70 сўм ҳақ оламан. Ташкилотимизда иш ҳақи фондидан тежалган маблаг бор. Унвоним учун тўланадиган ҳақни ошириш мумкини?

I. Охунов.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими унвонига эга бўлган провизорлар, шифокорлар ва бошқа ходимларга ойлик маошига 70 сўм қўшимча ҳақ тўланади. Шу билан бирга бу қўшимча ҳақни соғлиқни сақлаш ташкилотларининг раҳбарлари касаба уюшмаси Комитети билан келишиб, иш ҳақига ажратилган маблаглар ҳисобидан ва шу маблаглар доирасида оширишлари мумкин (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги принципларини татбиқ этиш тартиби тўгрисида йўриқнома, 14-бет, 3.2-банди ва 15-бет, 5.4-банд).

Касалхонамизда баъзан вақтингча ишга чиқмаган ходимлар ишини бажаришга тўғри келади. Бундай ҳолларда ишга қай тарзда ҳақ тўланishi керак?

H. Саъдуллаев.

Асосий иш вақтидан ташқари ишга чиқмаган киши вазифасини бажаргани учун мутахассислар, хизматчилар ва ишчиларга сарфланган соатлар учун ойлик маошига асосан қўшимча ҳақ тўланади (Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги принципларини тадбиқ этиш тартиби тўгрисида йўриқнома 16-бет, 3.2-банд).

Саволларга ҳуқуқшунос Абдужалил Ҳасанов жавоб беради:

Отам ёшлигимда вафот этиб, ундан қолган ўй-жой менга мерос сифатида расмийлаштирилмаган. Ҳозир бу ўй бошқа одамга ўтиб кетган. Айтишларича, ҳужжатларини архивдан қидириб топишим керак эмиш. Шу тўгрими?

C. Мухаммаджонов, Тошкент шаҳри.

Амалдаги фуқаролик қонунига кўра сиз аввало отангиздан қолган турар жой у кишининг хусусий мулки бўлган бўлсагина мерос сифатида ворисларга ўтиши мумкинлигини билишингиз керак. Хатингизнинг мазмунига қараганда, отангиз давлат ёки корхонага қаравшилини ўйда истиқомат қилган. Демак, бундай турар жой мерос сифатида сизга ўтмайди.

Мен иккى куни кам бир ой мобайнида бетоб бўлиб ўйда даволандим. Иш жойимда касаллик варақаси билан ҳақ тўлашда компенсация пули тўланмайди, дейишди. Шу тўгрими?

F. Жўрабоев, Жizzax вилояти.

Амалдаги қоидага кўра, бозор мұносабати сабабли ишчи ва хизматчиларга тўланаётган компенсация пули иш ҳақига қўшилган ҳолда ҳисобланади ва тўланади. Демак, касаллик варақаси учун ҳақ тўлаш ҳам иш стажига қараб умумий иш ҳақи ҳисобида ойлик ва компенсация пулини бирга қўшиб ҳисоблаган ҳолда тўланади.

Сиз ҳам шундай қоидадан фойдаланишингиз лозим.

Ҳозирги вақтда ишчиларга компенсация тариф ставкасига қўшиб тўланаяпти. Далаларда иш мавсуми тугаган, кўп ишчилар бекорчи бўлиб қолди. «Ўлик мавсум»дан компенсация ишчиларга қандай тўланади.

Aбдужалик Хошимов.

Амалдаги қоидага кўра, иш ҳақи бозор иқтисадиёти мұносабати билан тўланаётган 100 сўмлик компенсация пулига қўшилган ҳолда тўланади. Умумий иш ҳақидан солиқ ундирилади. $320 + 100 = 420$.

Меҳнат қилаётган ходимларга иш бўлмай қолганда, туриб қолган вақт учун иш ҳақининг учдан иккى қисми миқдорида ҳақ тўланади. (Ўзбекистон Республикаси МХКнинг 113-моддаси).

Мавсумий ишларда ишлаётган ишчиларга эса иш бўлмаган вақтларда, яъни, «ўлик мавсум»да иш ҳақи тўланмайди.

Менинг касбим ўқитувчи. Оиласиз кооператив ўйда истиқомат қилади. Ҳукуматимиз томонидан ўқитувчиларга ўйни ўтказиб бериш ҳақида қонун эълон қилинган, деб эшигдим. Бу қонун бизга ҳам тааллуқлими?

M. Эгамбердиева, Xorazm viloyati.

Республика ҳукуматининг қарорига биноан ўқитувчиларга бир қатор имтиёзлар эълон қилинган. Жумладан, давлатга (корхона, муассаса, ташкилотларга ва маҳаллий ҳокимиятга) қаравшилини ўйларда истиқомат қилувчи ўқитувчиларга (уйни ёлловчи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар) уй бепул берила бошлади. Бироқ кооперативга қаравшилини ўйларда яшовчиларга бундай имтиёзларни қўлланиши қонунда кўрсатилмаган.

Мен Ленин номидаги жамоа ҳўжалигида иккى вазифада, яъни, эҳтиёт қисмлар мудири ва техника хавфсизлиги мухандиси вазифаларида ишлаб келмоқдаман. Аммо ойлик маошим жами 180 сўмдан ошмайди. Шу ишлар учун қанча ойлик олишим керак?

N. Жумаев, Самарқанд viloyati, Nорпай райони.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда ўз ишидан ташқари бошқа ўрни бўш бўлган ишларни бажарганини учун ишчига ёки хизматчига асосий иш ҳақининг 50 фойзигача қўшимча ҳақ тўланади. Аммо жамоа ҳўжалигида ўз вазифаси билан бошқа вазифани қўшиб бажарганини учун ҳақ тўлаш масаласи тартиби жамоанинг умумий мажлисида кўриб чиқилиб, ўрнатилган тартибга асосан амалга оширилади.

Ўрта маҳсус билимгоҳини тугатганман. Кутубхонада 25 йилдан бўён ишлайман. Ойлик маошим 320 сўм. 100 сўмлик компенсация пулини ҳам қўшиб олсан бўладими? Компенсация ва ойликни қўшган ҳолда ҳисоблаб солиг пули олинадими? Аёл 7—8 бола туғиб, 30 йил иш стажига эга бўлса, 45 ёшдан қариллик пенсиясига чиқиши мумкини? 6 қизим ва бир ўғлим бор. Армиядан озод этиладими?

Aёллар номидан O. Жабборова, Xorazm viloyati, Xonqa райони.

Амалдаги қоидага кўра, иш ҳақи бозор иқтисадиёти мұносабати билан тўланаётган 100 сўмлик компенсация пулига қўшилган ҳолда тўланади. Умумий иш ҳақидан солиқ ундирилади.

Аёл киши 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, 8 ёшгача тарбиялаган бўлса, 50 ёшдан қариллик пенсиясига чиқади. Бунда иш стажи 15 йилдан кам бўлмаслигидан ҳақ тўланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрдаги қарорига биноан оиласиз ёлғиз ўғил, ундан ташқари шу оиласиз тартиби тақдирда ҳам муддатли ҳарбий хизматдан озод этилади ва захирага ўтказилади.

ГАЗЛИ




КИЧИК КОРХОНАСИ

ХЎЖАЛИКЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Газли» кичик корхонаси газ қувурлари ўтказиш борасида уч йиллик тажрибага эга. У бундай ишларни Тошкент вилояти жамоа ва давлат хўжаликларида олиб борган.

Кувурларни харид қилиш шартлари ўзгарғанлиги, яъни ҳозир қувурларни фақат мол айирбошлиш асосида келтириш мумкинлигини туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавжуд хўжаликларнинг раҳбарларига қишлоқ жойлардаги посёлкаларни газлаштириш юзасидан биз билан шартномалар тузишни таклиф киламиз.



Агар Сизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотингиз бўлса, Сиз ўз хўжалигингиздаги, посёлкангиздаги ҳар бир уйда, ҳар бир маҳаллада кафолатли равиша газ ва иссиқлик бўлишига эришишингиз мумкин!

Бизнинг корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, лойиҳалаш-текшириш ишлари олиб бориш, кўргазмалар ва мусобақалар ташкил этиш борасида ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.




Манзилгоҳимиз: 700011,
Тошкент шаҳри,

Абай кўчаси, 6-йй, 4-қават.
Телефонимиз — 44-10-40



АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!



Нархлар оширилганлиги, енгил автомобиллар учун фондларнинг чекланганлиги муносабати билан ҳамда Тошкент шаҳар кенгашининг 1992 йил 10 январдаги 14/1 сонли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар Жамғарма банки муассасаларида автомобиль ютуғи бўлган омонатлар юзасидан операциялар ўтказиш тўхтатилди.

Шундай омонат ҳисобларининг эгаларига 1991 йил 1 августдан бошлаб йилига 9 фоиз миқдорида фойда ёзилади.

Агар Сизга боғ участкасини ўзлаштириш, уй сотиб олиш, қуриш ёки капитал ремонт қилиш учун пул керак бўлса, Ўзбекистон Республикаси

Жамғарма банкига мурожаат қилинг. Бу ерда Сиз смета қийматининг 75 фоизи миқдорида, лекин кўпи билан 40000 сўмлик қарз олишингиз мумкин. Бироқ бунинг учун ўзингизда зарур сармоянинг 25 фоизи бўлиши керак.

Боғ ҳовлида уй қуришга олинган қарзни йилига 7 фоиз қўшиб қайтариш лозим.

Уй сотиб олиш, қуриш ва капитал ремонт қилиш учун олинган қарз йилига уч фоиз қўшиб қайтарилади.

Уруш иштирокчилари эса уй қуриш учун олган қарзларини тўлашда имтиёздан фойдаланишади. Улар ўз қарзларини йилига 0,5 фоиз қўшиб қайтаришади.

Айни пайтда Жамғарма банки муассасалари корхоналарга ва тижорат банкларига шартнома асосида фоиз тўланадиган қарзлар бермоқда.

Тошкент шаҳар Жамғарма банки бошқармаси
Маълумот учун телефон:
33-29-73



Чевар қўйларини

қадри ўйқши?

Тоҳихон ўн иккى ёшида тикув машинасининг «қулогини» айлантириб, чок тика бошлаган. Унинг дадасини Тоҳкентнинг Сагбон маҳалласида Аъзамхўжа косиб дейишса, хамма биларди. Бу оиласда тўйболаларга атаб амиркон этик тикишарди. Онаси Жамилахон опа, бувижониси Фотимахон ая этикчиларга жуда нафис ва ранго-ранг гуллар тикишарди. Бир жуфт этикчадаги гуллар иккичаларга тақорламасди. Тоҳихон ўн этикча тикишни ҳам жуда тез ўрганиб олди. Ҳадемай тикув машинаси унинг қўлида сайрай бошлади.

Аъзамхўжа аканинг дўстларидан бири Алижон aka Алишер Навоий номли опера ва балет театрида хизмат қиласди. Театрда «Киёнз Игорь» операси қўйладиган бўлди-ю бир дунё персонажлар учун бир дунё кийим-кечагу пойафзаллар тикиш зарурлигини айтиб, айни ўша кунларда хунар-техника билим юртими тугаллаган Тоҳихонни ёрдамлашиб юборишга таклиф қилди.

Бир ҳафтада тикиладиган ўн жуфт пойафзал хомакисини Тоҳихон бир кунда қойиллатиб тикиб ташлаганда «Хой қизча, қўлингда сехр борми?» деб бу ердаги косибларнинг оғзи очилиб қолди.

Артистларнинг кийим-кечакларига гуллар тикадиган Роман Романович Апсит деган латиш отахон Тоҳихоннинг ихчам ва пишиқ чокига қўзи тушиб, уни ўз цехига ишга олди. Тоҳихон попон машинасини илк бор шу ерда кўрди. Кун бўйи мук тушиб қўлда тикиладиган бир жуфт гулни бу машинада бир дақиқада тикиб ташласа бўларди.

Саксон ёшга борйб қолган бу отахон кўп гапирмас, узуз кун тиним билмай ишларди. Тоҳихон унинг ишбилигич қўлларидан кўзини узмай рўнарасида жимгина ўтирад, барқут халатлару кимхоб чопонлар уқасида, шоҳи қўйлаклар этагида, енгидага яратилаётгандай чаманлар ижодкорининг санъатига ҳаваси келарди.

Икки ой ичидаги Тоҳихон устоз қўлидан ишини олди. Отахон бу қизнинг келишимли, уддабурро қўлларидан сехр борлигига ишонди, зийрак ва чаққоилигига тан берди ва чин дилдан оқ йўл тилади. Оқ йўл тиладигина эмас, Парижда 1870 йили ишлаб чиқарилган ўзининг попон машинасини Тоҳихонга чин дилдан сөвға қилиб, ўзи пенсияга кетди. Тоҳихон бу табаррук ҳадиин ҳамон кўз қораочугидек асрайди, ҳамон унда ранго-ранг гуллар тикади. Устоз хотирасини касбига садоқати билан эъзозлайди.

Мукаррама опа: «Либослар бир-бирини тақорламасин, болажон, ишидан итнасигача рост-

Алишер Навоий номли театрда Тоҳихон ССРР ҳалқ артисти Мукаррама Тургунбоева билан танишиди. Унинг гўзали рақслари га монанд қанчадаин-қанча бежирим либослар тикиб берди. 1957 йилда «Баҳор» ансамблини ташкил этган Мукаррамахоним Тоҳихонга «Болажон, сизнинг жойингиз «Баҳор», сизни барип бир «Баҳор»га олиб кетаман», деб юрди. У шогирдларининг ҳаммасига «болажон» деб мурожаат қиласди ва худди ўз фарзандидай севиб, тергаб, меҳр берарди. Билганини ҳеч аямай ўргатарди.

Мукаррамахоним яқин дугонаси, бадиний сўз устаси Муҳаббат Мусаева ўғлини уйлантироқчи бўлганида ёнига Гавҳар Раҳимовани олиб, Тоҳихонга сочини бўлиб борди. Нодиржон билан Тоҳихоннинг тўйига ўзи бош бўлди. Ӯрни келганда завқшавқ билан рақсга тушиб, тўйига алоҳида жозиба бағишилади. Кейин буларнинг ўғил тўйларини ҳам кўрди.

1963 йили «Баҳор»га ишга ўтган Тоҳихон алоҳида бир гайрат, алоҳида маҳорат билан ишлади. Ҳар бир рақсанинг бўйи-бастига, рақслари мазмунига мос ўнлаб, юзлаб гўзали либослар яратди. Турли миллат рақслари га тиккан кийимлари ҳаётлиги, ихчам ва бежиримлиги, миллийлиги билан рақсслар санъатига қанот берди гёё.

Мукаррамахоним саҳналаштирган «Баёт» рақсини қизлар завқшавқ билан ижро этганингдан сўнг ҳар гал гулдурос олқишилар янграрди. Шунда Мукаррама опа ҳаяжон билан Тоҳихонни бағрига босиб «Бу олқишиларнинг эллик фоизи сизга, болажон. Қўлларингиз ҳеч толмасин. Ахир, кийимлар чиройли, қўлай бўлмаса, қизлар бунчалик зўр рақсга тушволмасдилар-да», деб қўшиб қўйяди.

Бир куни Мукаррама опа Таваккал Қодировнинг «Ўхшайди-ку» қўшигига рақс яратиб, уни биринчи навбатда ёлгиз Тоҳихонга намойиш этаркан, «Энди бу рақсга либо танлаш сизга, болажон», деди. Тоҳихон чуқур уйга тозди. Қора барқутдан узун, чиройли ҳалат тикиб, ҳошиясига сариқ инакдан гуллар солди, дур қадади. Рўмолу пойафзал ҳам шунга мос танланди. «Мустаҳзод», «Пилла», «Тановор», «Жонон» каби яна ўнлаб рақсларни Мукаррамахоним қанчалар маҳорат билан ижро этган бўлса, либосларни ташларини, безакларини Тоҳихон шунчалар муҳаббат ва иштиёқ билан яратди.

ССРР ҳалқ артисти Қундуз Миркаримова Мукаррама Тургунбоева хотирасига бағишилаб, 45 минутлик «Хотира» саҳнаси га яратди. «Баҳор» қизлари Мукаррамахонимнинг ўша машҳур «Тановор», «Роҳат», «Қўзларингни яширма», «Муножот», «Фарғона руబонси» каби шоҳ рақсларини ижро этдилар. Бу гал ҳам албатта, Тоҳихон Мусаеванинг рассомлик, чеварлик



Тоҳихон МУСАЕВА.

мана, миллий, ҳаётий бўлсин. Кийганингда тананг яйраб, бир хуснингга ўн ҳусн қўшсан, сенга илҳом бағишиласин, қанот берсин», дегувчи эдилар.

Ҳа, «Баҳор» ансамбли қанот қоқиб, парвоз этди. Унвонлар олди. Довруқ таратиб, дунёнинг ярмини айланиб чиқди.

Тоҳихон Мусаева-чи? У нимага эришид? Бир умр 110 сўм маош олиб, кўз нурини, қалб қўрини бағишиланлари, қадалиб ўтириб ишлаганлари гўё парда орқасида қолаверди. Ортиргани кўз оғриги-ю дил оғриги бўлди.

Меҳнатлари ҳамма вақт ҳам одил баҳо ололмагани учун ҳам дили оғриди. Унинг «Ялла» ансамбли йигитларига, «Шодлик» ва «Лазги» ансамбли рақссларига, Олмаҳон Ҳайитовага, Гулшод Отабоевага, Хайрулла Лутфуллаеву Саттор Исломовга тикиб берган ўнлаб кийим-кечакларнинг гуллари нақ қўзингизни олгудек даражада гўзали. Рақсса Флорида Низомиддиновага «Ўйгурча рақс»и учун тикилган либослини қўриб, устоз Розия Каримова «Бу кийимларни Хитойдан олиб келдинларми?» деб ҳайрат билан сўраган эди.

ССРР ҳалқ артисти Қундуз Миркаримова Мукаррама Тургунбоева хотирасига бағишилаб, 45 минутлик «Хотира» саҳнаси га яратди. «Баҳор» қизлари Мукаррамахонимнинг ўша машҳур «Тановор», «Роҳат», «Қўзларингни яширма», «Муножот», «Фарғона руబонси» каби шоҳ рақсларини ижро этдилар. Бу гал ҳам албатта, Тоҳихон Мусаеванинг рассомлик, чеварлик

санъати, диди, устоз хотирасига бағишилаб, қексиз муҳаббати асқотди. Гўзали, бежирим либослар рақсларга нақ жон бағишилади.

Қардош республикаларда, чет элларда бўлган қанчадан-қанча адабиёт ва санъат ўн кунликлари, жаҳон фестиваллари, Ўзбекистон Республикасининг юбилейлари, яна шунга ўхшаш ўнлаб издиҳомлар арағасида Тоҳихон Мусаева тиним билмасди. «Ҳа бўл, ҳа бўл» билан кечак-кундуз қадалиб ўтириб ишларди. Ҳар гал ансамблар, артистлар ё раҳбарлар учрашувлар ва сафарлардан унвонлар, мукофотлар, шодон таассуротлар билан қайтардилару лекин, эгниларидағи бебаҳо либослар ижодкори ўзининг торгина устахонасида мук тушганча кийим тикишида давом этаверади.

Яқиндагина улуг Навоийнинг 550 йиллигига бағишиланган юбилей концерти бўлди. Тоҳихон бу тантанага тайёргарлик кўришда ҳам бедор меҳнат қилди. Майли, ишлаганини миннат қилмайди у. Меҳнатларига рози. Фақат, шу концертда иштирок этганлар ва тайёрланганлар мукофотлару раҳматномалар олишганда, у четда бироз ўқсиб қолди. Қорнига эмас, қадрига йиглади.

Касбнинг катта-кичиги йўқ. Маҳорат билан, юрак қўри билан баҳарилган ҳар қандай асар ўз баҳосини, қадрици топмоги керак. Мукаррама Тургунбоева номли «Баҳор» давлат рақс ансамблида 31 йилдан бери чеварлик қиласидан Тоҳихон Мусаеванинг санъати, меҳнати ҳар қанса меҳр-муҳаббату зътиборга, мукофотга лойиқдир.

Санъат МАҲМУДОВА.

СИНГЛИНГИЗА

РАҲМИНГИЗ

КЕЛСИН




Менинг-ку ўз дардим ўзимга етиб ортади, лекин Ўрозгулнинг аҳволини кўрганимда, бир дардимга яна дард кўшилади.

Аввали, бу қизнинг ҳеч кими бўлмаса керак деб ўйладим. Чунки, бу ерга келганига анча бўлиб қолган бўлсада, бирор унинг ҳолидан хабар олганини кўрмадим. Бечора ўззу-кун эшикка тикилгани-тиклиган. Кўчага чиқиб йўлга қарай деса, жойидан туролмайди. Шундан кейин унинг олдига кириб, аҳвол сўраб турадиган бўлдим.

Унинг туғишиган иккиси акаси бор экан. Бечора қиз акала-рим қаҷон келар экан деб, ҳар куни ёш тўқади. Акалари унинг ногиронлик ҳақидаги ҳужжатларини ҳам олиб келиб бермаган экан. Бечора қиз шу боис бериладиган ногиронлик нафақасини ҳам ололмай ўтирибди. Ҳам соғинч, ҳам сарсончилик бу қизни кундан-кунга адо қилаётганга ўхшайди.

Мен Ўрозгулнинг Қорақалпоғистон республикаси, Амударё райони, Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Хитой қишлоғида яшаётган акалари Пирмон ва Шермон Асқаровларга инсоғтилаб, кўнгли кемтиқ сингилларини йўқлаб бир кун эшикдан кириб келишларини жуда жуда истар эдим. Синглингизга раҳмингиз келсин, ети ёт бегонадек оёқ остига ташлаб кўйманг, айб бўлади. Ўз жигар-гўшасини хўрлаб қўйган одамни худо ҳам хуш кўрмайди. Синглингизга раҳмингиз келсин, азизларим!

Абдулла ҲАЙТОВ
Оҳангарон районидаги қариялар уйи.



Ойижон, сизга бир гап айтаман.

КУРТАКЛАР

Одамлар билан фикрлашмоқ учун ўз фикрингга эга бўл.

* * *

Фарзанд ҳақиқатни сўзласа, унинг оғирлиги ота-она зиммасига тушади.

* * *

Агар сен шоир сифатида ўлган бўлсанг, ҳали сенда адаб сифатда ўлиш имкони ҳам бор.

* * *

Сирингнинг очилишини истасанг, дўстинг билан аразлаш.

* * *

Яхши кўриниш учун тўғри сўзлаш шарт эмас.

* * *

Истеъододлар қандай бўлса, мухлислар ҳам худди шундай.

* * *

Бошлиқнинг боши катта бўлиши шарт эмас.

* * *

Дўлти бўлгани билан бош ҳадеб топилавермайди.

* * *

Нима билан келганингни айтсанг, мен сенга нима билан кетишингни айтаман.

Насияга қарсак чалинмайди.

* * *

Ғурурланишинг чеки бор, ҳокисорликнинг чеки ўйқ.

* * *

Одамгарчиллик кўзгуга қараб машқ қилинмайди.

* * *

Пора-қаттиқни юмшатади, юмшоқни қотиради.

* * *

Ўзга одамнинг қаноти билан узоқ парвоз этломайсан.

* * *

Разил одам ўлиши мумкин, разиллик ўлмайди.

* * *

Фақат соат калпигригина барчага теппа-тeng вақт тақсимлайди.

* * *

Гийбат қилишда дангаса бўлмас.

* * *

Феъли кенгни феъли тор ёқтиромайди.

* * *

Тўпловчи Аббос МАЛИК,

Денов райони

ТОШКЕНТ МЕНЕДЖМЕНТ МАРКАЗИ (РАҲБАР ХОДИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР МАЛАКАСИННИ ОШИРИШ ТАРМОҚЛАРАРО ИЛМОГОҲИ)

МЕНЕДЖЕРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ

Корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассислари 1,5 ой катнаб ўқиш мобайнида бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар фаолияти хусусида зарур билимларни оладилар ва уларга тасдиқланган нусхадаги сертификация қилинганди диплом топширилади. «Менеджер» — ишлаб чиқарниш ташкилотчиси» малакаси берилади.

Дастурда: иқтисодиёт, менеджмент, маркетинг асослари, амалий мувваффақият психологияси, замонавий жаҳон бизнеси тажрибаси билан танишув кўзда тутилади. Чехословакия, Польша, Туркия корхоналари ва фирмаларида стажировкадан ўтиш ҳам мўлжалланади.

Манзилгоҳимиз: 700011, Тошкент-II, Абай кучаси, б-р 1
Боғланиш учун телефонлар: (3712) 44-16-80,
44-02-88, 44-05-28

Биласизми?

Биринчи термометр 1592—1603 йилларда ўйлаб топилган. Қадимги юнонлар тажрибасига таяниб, уни Галилей ясаган. Биринчи симобли термометрни эса немис физиги Фаренгейт ихтиро килган. Физик кишида «о» холатини 1709 йилда хисобга олган. Цельсий шкаласи бўйича ишловчи термометр эса швед физиги ва астрономи Цельсий ихтироси (1742 йил) бўлиб, унинг номи билан аталган. 1730 йилда эса француз Ремюор томонидан 30 градус шкалави термометр ҳам ихтиро килинган. Хозир ундан фойдаланувчилар йўқ. Бизнинг симобли термометрни миз турмушимизда ҳамон аскотмокда.

Аммо фан ва техника соҳасида ҳароратни ўлчаш учун эса мутлако бошқа ускуналар ишлатилиди.

Тўпловчи Зиё НУР

ИРОҚЛИК БЕВАЛАР

Хозир Ироқда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг беваларига талабгор кўёвлар кўпайниб кетди. Рейтер ахборот бошқармасининг Бағдоддан хабар қилишича, сўнги бир неча ҳафта ичидагина минглаб ўш йигитлар 1980—88 йиллардаги Эрон-Ироқ уруши даврида ва Форс кўрғазидаги танглик чогида ҳалок бўлган аскарлар ва зобитларнинг бевалари билан ўз тақдирларини боғладилилар. Бундай никохлар кўп холларда муайян максадни кўзда тутади — эркаклар ҳарбий хизматчиларнинг беваларига давлат томонидан бериладиган 7 минг динор (21 минг доллар) микдоридаги нафакадан янги рафиқалари ёрдамида баҳраманд бўлишни орзу киладилар.

Бирок никох бекор килинганд тақдирда ана шу маблағ қайтариб берилishi керак. Рейтер ахборот бошқармаси хозирги вактда мамлакатда Ироқ сўнгги ўн йилликда бошлаган икки урушда эридан ажраган ўн минглаб ёлғиз аёллар борлигини таъкидлайди.



Бош мухаррир

Тўлкин КОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙБАТИ: Анвар АКБАРОВ, Акмал АКРОМОВ (масъул котиб), Мухаммадлатиф ЖУМАНОВ, Жасур НОСИРОВ (бош мухаррир мувовини), Шарифа САЙДВАЛИЕВА, Мухайт ТУЛАГАНОВА, Шабот ҲУЖАЕВ, Болтабой ЮСУПОВ (бош мухаррир мувовини), Турсун КУШАЕВ, Дилбар ГУЛОМОВА.

● Бош мухаррир қабулхонаси — 56-25-36

● Бош мухаррир мувовинлари — 56-52-89

● Котибият — 56-52-78



БУЛИМЛАР:

● Касаба уюшмаси ва иктиодий хаёт — 56-82-79

● Социал адолат ва конунчилик — 56-87-63

● Маданият, маънавият ва табият — 56-82-79

● Ҳатлар ва оммавий ишлар — 56-87-78

● Безатиш ва сураткашлик — 56-85-79

● Тижорат, ҳамкорлик ва тадбиркорлик — 56-87-73

● Ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари — 56-57-59

● Мухарририятга келган кўлжамалар (2 орзилка 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муваллифларга кайтарилмайди. Маколалардаги фикр-мулоҳазалар, келитирган факт ва рақамлар масъулияти муваллифлар зиммасидадир.

Якка тартибида йиллик обуна нархи 26 сўм 04 тийин, индекси 64560

Корхона ва муассасалар учун обуна нархи 36 сўм 48 тийин, обуна индекси — 64561

Сотувдаги нархи 80 тийин

● ДУШАНБА кунлари чиқади.

● Босиш учун 1992 йил 24 январда топширилди.

● Навбатчи масъуллар: Жасур Носиров, Тожибай Алимов

● ҚУНИМГОҲИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-йи.

Буюртма № 40
● 133.516 нусхада босилди.
● Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёти-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12